O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 2 ноябрь, № 211 (5126) Сешанба

ЭСТОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансип 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Эстония олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этдилар. Бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон — изчил ривожланаётган давлат, — деди Андрус Ансип. — Биз мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ҳажми йил сайин ўсиб бораётганига ҳавас билан қараймиз. Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой мамлакат. Ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлоқ. Эстонияда Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларини яхши билишади. Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам катта самаралар беришига ишонамиз.

Эстония Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Эстония Республикаси Бош вазири А. Ансип шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Эстония ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Мажбурий нусха



Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари улғайиб келаётган навқирон авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, мазкур мусобақалар муносабати билан жойларда кўплаб замонавий спорт иншоотлари қад ростлаётир.

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Ёшларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишидир.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика босқичига 2011 йилнинг баҳорида Сурхондарё вилояти мезбонлик қилади.

Бунёдкорлик

Айни кунларда навбатдаги "Баркамол авлод" ўйинларини ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш учун вилоятда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Жумладан, Термиз шаҳрида замонавий спорт мажмуаси қурилиши жадал давом этмоқда.

— Ушбу спорт мажмуасининг умумий майдони 11 гектарни ташкил этади, — дейди бош пудратчи, "Бухоро 20-трест" МЧЖнинг 3-вакиллик раҳбари Бешим Шойимов. — Бу ерда ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион, ёпиқ спорт зали, иккита теннис корти қуриш назарда тутилган. Ҳозир мажмуада 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар уч сменада меҳнат қилмоқда. Шу кунгача 70 фоиз қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бунёдкорлик ишларининг жадал суръатларда, сифатли бажарилиши учун зарур материаллар пешма-пеш етказиб берилмоқда. Муҳими, ишлатилаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги маҳаллий корхоналарда тайёрланган. Цемент Навоийдан келтирилаётган бўлса, гипсокартон Карманадан, металл Бекободдан, ғишт ва йиғма темир-бетон маҳсулотлари Сурхондарёнинг ўзидан келтирилмоқда.

Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги "Алпомиш" кураш мажмуаси, теннис корти, сузиш ҳавзаси каби жами 9 та спорт иншооти қурилишида ҳам капитал реконструкция ишлари якунига етиб қолди.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

СУРАТДА: қурувчи Шопўлат Тангирқулов, муҳандис Нуриддин Назарқулов ва бригада устаси Мансур Саломов.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

НУКУСДА Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2010 йилнинг 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сарҳисоб

Кун тартибидаги масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш ва модернизациялаш чораларининг изчил амалга оширилиши натижасида барча соҳаларда ўсиш, шу жумладан, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда янги натижаларга эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 9 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари тайёрлаш 9,9 фоизга, истеъмол молларини ишлаб чиқариш 13,8 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 13 фоизга, чакана савдо айланмаси 20 фоизга, хизмат кўрсатиш кўлами 10,3 фоизга, шундан пуллик хизматлар 16,5 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича олиб борилган фаол инвестиция сиёсати натижасида 316,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Саноат корхоналарининг қувватини ошириш ҳудудий дастурига биноан, 105 та объект ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 235 та турар-жой ва 15 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификациялаш чоралари натижасида корхоналар томонидан экспорт кўлами 14 фоизга ўсди ва ташқи савдо айланишининг ижобий сальдоси таъминланди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2009 йилнинг 9 ойидаги 51,7 фоиз ўрнига 60,7 фоизгача кўпайишига эришилди.

2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 36502 та иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 102,2 фоизга уддаланди. Шундан касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобига 6569 та иш ўрни ташкил этилди.

Йиғилишда кўлга киритилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларга, уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов иштирок этди.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни вилоят ҳокими Н. Зайниев олиб борди.

Унда жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва турларини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қишки мавсумга тайёрлиги ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 104 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

Ўтган давр мобайнида истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 109,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 112,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмида 110,9 фоиз, чакана товар айланишида 117,8 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатишда 108,9 фоиз ўсиш таъминланди. Ташқи савдода экспорт ҳажми 165,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тўққиз ой якунларига кўра, вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажми 277,1 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу соҳада ижобий сальдога эришилди. Экспортга янги маҳсулотлар чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрилган чоралар натижасида қурилиш материалларидан оҳак, тайёр кийимлар, касаначилик асосида кўлда тўқилган матолар, ҳар хил маҳсулотлар учун қадоқлаш полиэтилен пакетлари экспорти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида жорий йилнинг 26 — 30 октябрь кунлари бўлиб ўтган IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси тажриба алмашиш, музокара ва амалий ҳаракатлар майдонига айланганидан ташқари, саноатчиларни яна бир бор жамлаб, уларга истиқболли режаларини амалга оширишлари учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтади.

Галдаги тадбирда, маълумки, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, транспорт-коммуникация, электр энергияси, кимё, геология, қурилиш, матбаа, қайта ишлаш, фармацевтика сингари мамлакатимиз йирик саноат мажмуаларининг етти юздан ортиқ корхоналари иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар. Ярмаркага, шунингдек, Италия, Жанубий Корея, Германия, Польша, Россия, Туркия, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон каби эллик бир мамлакатнинг етакчи компания ва фирмаларидан 650 нафардан зиёд вакиллар ҳам ташриф буюргани эса унинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Шуниси эътиборлики, ярмарка давомида тақдим этилган янги маҳсулот ва хизматлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, бугунги кунда "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси таркибида элликдан ортиқ ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлса, тадбирда айнан улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойишига кенг эътибор қаратилди. Негаки, уюшма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги "2009 — 2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан талайгина ишлар амалга оширилаяпти. Бу, пировардида, тизимдаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига, янги маҳсулотлар ўзлаштирилишига хизмат қилмоқда. Ярмаркага келтирилган, чармдан тайёрланган сув ва ўтга, чидамли махсус оёқ кийимлар ва бошқа спорт анжомлари шулар жумласидандир. Маълумки, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий қатнашчиси ҳисобланади. Хусусан, ўтган йилги тадбирда беш миллиард сўмлик шартномалар имзоланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич ўн миллиард сўмдан ошди. Бундан ташқари, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари билан 14 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномалари тузилди.

Жараён

— Корхонамиз иш бошлаганига салкам ўн тўққиз йил бўлди, — дейди Урганчдаги "Мини аккумулятор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Арслон Қаландаров. — Ўтган вақт мобайнида, айтиш керакки, яратилган шарт-шароит ва имкониятлар барча соҳаларни жадал ривожлантирмоқда. Дейлик, автомобилсозлик — республикамиз иқтисодиётининг энг илғор соҳаларидан бири. Бугун Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллаб тургани шундан далолат беради. Қолаверса, ўзимизда ишлаб чиқарилган юк, йўловчи ташувчи ва енгил автомобиллар ҳар бир ташриф буюрувчида катта қизиқиш уйғотгани, ҳайратини оширгани бунинг яна бир исботидир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда жорий йил 23 мартдаги "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси шундай амалий жараёнларга бой бўлгани билан тарих саҳифаларига муҳрланиб қолди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки дастлабки маълумотларга кўра, тадбир доирасида кооперация алоқалари бўйича умумий қиймати 2,6 триллион сўмлик ҳамда экспорт бўйича 2,7 миллиард АҚШ долларилик шартномалар тузилди. Бу кўрсаткич, ваҳолонки, ўтган йили мутаносиб равишда 2 триллион сўм ва 2,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

Шу билан бирга, ярмаркада тегишли вазирлик ва идоралар, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳасига ихтисослаштирилган ташкилотларнинг стендлари ташкил этилиб, мунтазам маслаҳатлар ўтказилгани унинг янада самарали бўлишини таъминлаганини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги "Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги Қарорини бажаришнинг бориши ҳақида"ги 2009 йил 5 декабрдаги Қарорининг ижро этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, бир қатор вилоят халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан умуман Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурига киритилган иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилиши таъминланаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Сенатнинг юқоридаги Қарорини ижро этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида инқирозга қарши минтақавий ва тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширишда депутатлик корпусининг ролини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни такомиллаштириш учун аниқ чоралар кўрилган, халқ

(Давоми 2-бетда).

СИЗНИ ВАТАН ҚУТЛАЙДИ!

Кетма-кет иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртларимиз катта тантана билан кутиб олинди.

Аргентинанинг Креспо шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи бор жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Ниҳоясига етган октябрь ойи ҳам бизга кўплаб қувончли ғалабаларни тухфа этди. Эсга олайлик, Кипрнинг Никосия шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ташкил этилган жаҳон кубогида ҳамюртларимиз 14 та олтин, 9 та кумуш, 6 та бронза медали билан ўттиздан ортиқ мамлакат спортчилари орасида умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. Бу ғалаба ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Бундан ташқари, Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятга эришган уч нафар спортчимиз навбатдаги жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлди.

Фахр

Мана, бир неча кундирки, халқимиз яна ўз ғолиб спортчиларини олқишламоқда. Юқорида айтиб ўтилганидек, шу йилнинг 16 — 24 октябрь кунлари Аргентинанинг Креспо шаҳри мезбонлик қилган ногирон-ампутантлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз футболчилари чинакам жасорат намунасини кўрсатишди. Мард ўғлонларимиз ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир карра исботладилар. Айниқса, футболчиларимизнинг уч марта жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Бразилия, шунингдек, маҳоратли саналган Аргентина ҳамда Туркия каби донгдор терма жамоаларни мағлуб этганлиги ғуруримизни тоғдек юксалтирди. Эрон ва Россия терма жамоаларига қарши кечган ўйинларда дуранг натижага эришилди. Терма жамоамиз аъзоларининг аксарияти кўпчилиги турли номинациялар бўйича ғолиблар сафидан жой олишди. Буларнинг бари миллатимиз фарзандларининг неларга қодирлигини исботловчи ёркин ва ўчмас ғалаба эмасми?!.

(Давоми 2-бетда).

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танқидий ва таҳлилий тарзда ўтган йиғилишда 9 ой давомида эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳар бир туманда саноатни ривожлантириш, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик корхоналарини кўпайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, Маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш, корхоналарни модернизация қилиш, ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлашдаги камчиликларни тугатиш юзасидан галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

ГУЛИСТОНда бўлиб ўтган вилоят фаоллар йиғилишида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришилган натижалар ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими О. Ашурматов бошқарган йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар Сирдарёда ҳам ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари 11,3, халқ истеъмоли товарларининг 3,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда, шунингдек, қурилиш ишлари 135,3, чакана савдо айланмаси 123,3 фоизга кўпайди. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди. Ўтган даврда 75,5 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилди.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, айниқса, қулай инвестициявий муҳит иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшмоқда. Мазкур йўналишда вилоятда ҳам 52 лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 19,6 миллиард сўм ва 29,4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида 31316 та янги иш ўрни яратилди.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, йўл қўйилган хатокамчиликлар чукур таҳлил қилинди. Туман ва шаҳарларда ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, коммунал тўловларда юзага келаётган қарздорликни камайтириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Ғаниев иштирок этди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

НАМАНГАН вилояти ҳокими Б. Юсупов бошқарган фаоллар йиғилишида 2010 йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланишича, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш ва модернизациялаш тадбирларининг изчил амалга оширилиши натижасида барча жабҳаларда ўсиш, шу жумладан, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда янги марраларга эришилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш даражаси 12,5 фоизни ташкил этди. Тармоқлар бўйича олганда, бу кўрсаткич саноатда 16,4, қурилишда 23,7, экспорт соҳасида 45,4, инвестицияларни жалб этиш борасида 6,6 ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 9,7 фоизга ўсди.

57,6 мингдан зиёд янги иш ўринлари барпо этилди. Иқтисодиётнинг реал секторига барча манбалар ҳисобидан жалб этилган инвестициялар миқдори 297,3 миллиард сўмдан ошди. 42 та корхона модернизация қилиниб, мазкур йўналишда 18,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди, пировардида, 1669 та янги меҳнат ўрни юзага келди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги вазифаларни рўёбга чиқариш учун вилоят бўйича 282 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, ёшларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, уларнинг таълим олиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Йиғилишда, шунингдек, белгиланган вазифалар ижросида йўл қўйилган камчиликлар, охирига етказилиши зарур бўлган ишлар хусусида алоҳида сўз юритилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаоллар йиғилишлари, шунингдек, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хоразм, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Гулистон давлат университетида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқини ўрганишга доир давра суҳбати бўлиб ўтди.

БМТ билан ҳамкорлик ривожланмоқда

Давлатимиз раҳбари мазкур нутқида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил этгани, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Оролбўйидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётни юксалтириш борасида ҳар томонлама чуқур ўйланган асосли таклифларни ўртага ташлагани дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Юртбошимиз нутқини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида чуқур ўрганиш уларда ватанпарварлик, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизнинг халқаро алоқалари, жумладан, БМТ билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ислоҳ этиш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар хусусида тўхталдилар.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМОЙИШИ

Бағрикенглик — халқимизга хос фазилат. Бу билиб-билмай хатога йўл қўйган айрим ҳамюртларимизнинг айби давлатимиз томонидан кечирилиб, уларнинг тўғри йўлга тушиб олишлари учун имконият яратиб берилаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилингани бу борада муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Қарор ва ижро

Бугун мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда тегишли комиссиялар тузилган. Улар жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида самарали ҳал этиб бормоқда.

Наманган вилоятида ташкил этилган комиссиянинг учрашув-мулоқотларидан бири Тўрақўрғон туманида бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган 109 нафар маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш назарда тутилган. Комиссия аъзолари ана шу акт доирасига тушган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи, яқинлари бағрига қайтган шахслар билан учрашиб, атрофлича суҳбатлашишди.

— Мен 2010 йилнинг мартида автотранспорт ҳодисаси содир этиб, суднинг қарорига асосан, 4 йилга озодликдан маҳрум қилингандим, — дейди Исвахон маҳалласида яшовчи Анвар Камолов. — Президентимизга, давлатимизга минг раҳмат, амнистия туфайли айбимни ўз меҳнатим билан ювишга имкон беришди. Яқинда уйга — турмуш ўртоғим, фарзандларим бағрига қайтдим. Бандлик хизмати томонидан иш таклиф қилишди. Бир оз кўникма олгач, астойдил меҳнатга киришаман.

Шаҳандлик Ғуломжон Ҳакимов ҳам эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этиб, суд қарори билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилганди. Сенатнинг юқоридаги қарорига асосан, энди у яқинлари бағрида — инсонпарвар, кечиримли Юртбошимиз, бағрикенг халқимизни дуо қилиб, бутун куч-ғайратини жамиятга наф келтириш, айбини ҳалол меҳнат билан ювиш ҳаракатида.

— Амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргандан сўнг ўтган вақт мобайнида қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган 31 иш тугатилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди раиси Қобилжон Холбоев. — Тергов ва суриштирув органи иш юритувидаги ишлар юзасидан эса 9 та илтимоснома келиб тушди. Шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган 13 нафар шахс жазодан озод этилди. Уларнинг барчасини ишга жойлаштириш, қисқа фурсатда жамиятимизнинг фаол аъзосига айланиб, меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратилмоқда.

Комиссиянинг вилоят бошқа туманларидаги шундай учрашув-мулоқотлари чоғида ҳам қарор ижроси билан боғлиқ масалалар амалий тарзда ҳал қилинаётир. Унда иштирок этган ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоатчилик вакиллари амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритиб, озодликка чиқарилаётган шахслар ҳаётда ўз ўринларини топишлари, шу муқаддас заминнинг фидойилари сафидан жой олишларига ишонч билдирмоқдалар.

Илҳомжон ЖУМАНАЗАРОВ.
Наманган вилояти

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

депутатлари маҳаллий Кенгашларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги фаоллашган.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари инқирозга қарши ҳудудий дастурлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва улар доимий комиссияларининг қарорлари ижро этилиши устидан назоратни тўла-тўкис амалга оширмаётирлар.

Масалани муҳокама қилиш асносида Кенгаш мажлисининг иштирокчилари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қонунлар ҳамда инқирозга қарши тармоқ ва минтақавий давлат дастурлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва улар доимий комиссияларининг қарорлари сифатли ҳамда ўз вақтида ижро этилиши устидан депутатлик назорати чораларининг таъсирчанлигини ошириш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар билдирилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастурини бажаришнинг бориши масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама якунлари бўйича Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

СИЗНИ ВАТАН ҚУТЛАЙДИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рустам ҚОРИЕВ,
футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси бош мураббийси:

— Албатта, ушбу хурсандчиликни бутун халқимиз бирдамликда нишонлаётгани, бизга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётгани жамоамизнинг ҳар бир аъзоси қалбига олам-олам қувонч ва чексиз ҳаяжон бахш этди.

Биринчи учрашувда энг кучли жамоалардан ҳисобланган Бразилияни ютишимиз йигитларимизни руҳлантириб юборди. Бутун беллашувлар давомида шогирдларим давлатимиз раҳбари ва халқимиз уларни қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис қилиб туришди. Рақиблар дарвозасига 20 та тўп киритилгани футбол мутахассисларию ишқибозларининг эътиборини тортди. Финалдаги рақибимиз Аргентина жуда кучли жамоа ҳисобланарди. Уларни, асосан, тезкор ҳужум тактикаси орқали мағлуб этишга ҳаракат қилдик ва мақсадимизга эришдик. Стадионда, асосан, мезбонларни қўллаб-қувватлаб турган жуда кўплаб томошабинлар ғалабамиз эвазига "Ўзбекистон" деган номни қайта-қайта такрорлашганидаги ҳолатимизни тасвирлаш жуда қийин. Асосийси, йигитларимиз кучли ирода ва матонат намойиш этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритдилар. Уларнинг барчасидан миннатдорман.

Ҳайдарали ТУРСУНБОЕВ,
футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси ҳужумчиси, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби:

— Жаҳон чемпионати финалида рақиб дарвозасига иккита гол уриб, терма жамоамиз ютуғига ўз ҳиссамни қўшганимдан бахтиёрман. Мендан англиялик бир футболчи "Қоқилмай, шунча муваффақиятларга эришишнинг сабаби нимада?" деб сўраб қолди. Унга Ватанимизда жамиятнинг барча қатлами қатори, биз — ногирон спортчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида гапириб бердим. "Шунга муносиб бўлишга ҳаракат қилаяпмиз", дедим.

Қолаверса, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарорида ҳам имконияти чекланган спортчиларни нуфузли мусобақаларга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Келгусида Параосиё ўйинларида ҳам жаҳон чемпионларига хос футбол намойиш этиб, Ўзбекистон довруғини янада оширишга ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Аъзам ИСМАТОВ,
футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси ҳимоячиси:

— Аргентинага биз амалдаги чемпион сифатида ташриф буюргандик. Шу сабабли, масъулият жуда кучли бўлди. Йигитларимиз шунга яраша ўйин намойиш этишди. Жамоамизнинг аҳиллиги муваффақиятимизда асосий омил бўлди. Эришган натижамизни юксак баҳолаб, бизни юртимизда катта тантана билан кутиб олишганидан беҳад миннатдормиз. Келгусида ҳам бундай ғамхўрликка нисбатан ўз ғалабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.

Бекиёс зафарингиз, Ўзбекистон номини юксак шоҳсупага олиб чиққанингиз, чемпионатда Ер юзининг турфа нуқталаридан келган, "манаман" деган мамлакатлар жамоалари ичра энг пешқадам бўлганингиз учун жамики ишқибозларнинг таъзимини қабул қилинг.

Жаҳон чемпионларини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Аҳоли дастурхонига хуштаъм неъматлар

Кегейли туманидаги Халқобод шаҳарчасида "Агробанк"нинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган янги корхона фаолият бошлади.

Айни пайтда беш киши меҳнат қилаётган корхонада бир кунда 4 тонна ун қайта ишланиб, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилаётир. Шунингдек, бу ерда корхонанинг муҳташам савдо дўкони ҳам хизмат кўрсатаяпти.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқда янги коллеж

Ғаллаорол туманининг "Қипчоқсув" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

435 ўринга мўлжалланган ушбу даргоҳни бунёд этиш учун 2 миллиард 287 миллион сўмлик бюджет маблағлари сарфланди. Ушбу таълим масканида ёшларнинг малакали билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек, замонавий қулайликларга эга ётоқхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг илм йўлида изланиб, муваффақият ва ютуқларни қўлга киритишлари учун катта имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган "Фаннинг долзарб муаммолари — ёш олимлар нигоҳида" мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманида ҳам шу хусусда сўз борди.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

фан тараққиётига ҳисса қўшмоқда

Тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси ёш олимлар кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги кўплаб таълим масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Таълим сифати ва мазмуни илғор илм-фан ютуқлари, янгича педагогик технологиялар асосида такомиллаштирилди. Ўз навбатида, олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бораётган ёшларимиз учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада ёш олимларимиз илмий тадқиқот ва тажрибаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларда олиб бориш имкониятига эга бўлишаяпти. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларидаги олий таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари эса уларнинг истеъдод ва имкониятларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Интилиш

Ана шундай иқтидорли ёшларнинг илмий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида ёш олимлар кенгаши ташкил этилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

— Аслида, бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ёш олимлар кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор Сайдилла Ғуломов. — Ёшлар қўлга киритаётган муваффақиятлар мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилаётган юксак эътибор, ёш истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликларнинг амалий натижаларидир.

Анжуманда айни пайтда илм-фан соҳасида олиб борилаётган амалий ишлар, галдаги долзарб вазифаларга оид илмий маърузалар тингланди. Хусусан, тадбирда миллий фундаментал фанлар ва таълим ривожидаги устувор йўналишлар, кимё фанининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, молекуляр генетика соҳаси тараққиётининг муҳим асосларига бағишланган чиқишларда ёш олимлар ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 2 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1608,60	1 Малайзия ринггити	525,89
1 Англия фунт стерлинги	2613,83	1 Польша злотийси	573,27
		1 СДР	2558,31
1 Дания кронаси	305,18	1 Туркия лираси	1142,04
1 БАА дирҳами	443,18	1 Швейцария франки	1656,13
1 АҚШ доллари	1627,64	1 Евро	2264,21
1 Миср фунти	281,99	10 Жанубий Корея вони	14,58
1 Исландия кронаси	14,71	10 Япония иенаси	201,82
1 Канада доллари	1600,59	1 Россия рубли	52,88
1 Хитой юани	243,83	1 Украина гривнаси	205,73

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси









ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

СУЮЛТ. ГАЗ 1161,3 ▼-346,8 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 160,1 ▲+4,5 | УН биринчи нав 515,2 ▼-11,9 | ОМИХТА ЕМ 205,0 ▼ -2,0

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ноқонуний фойдаланганликда айбламоқда

АҚШнинг "Apple" корпорацияси телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Motorola" компаниясини судга берди.

Бунга "Motorola"нинг "Apple" технологияларидан ноқонуний равишда фойдаланганги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Шу боис АҚШ корпорацияси мамлакат ҳудудида "Motorola" маҳсулотларини сотишни тақиқлаб қўйишни талаб қилган.

Гаровдагилар озод қилинди

Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида жангарилар томонидан гаровга олинган черковни озод қилиш жараёнида ўнлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди.

Махсус операция давомида 37 киши ҳаётдан кўз юмган, 56 киши турли даражада тан жароҳати олган. Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, мазкур бино якшанба куни беш нафар жангари томонидан гаровга олинганди. Ўшанда бино ичида 100 киши қолиб кетган. Уларнинг аксарияти аёллар ва ёш болалар бўлган. Гаровдагиларни озод этиш пайтида босқинчиларнинг ҳаммаси йўқ қилинган.

Мерапи ташвиши

Индонезиянинг Ява оролида истиқомат қилувчи эллик мингдан ортиқ одам тураржойини мажбуран тарк этди.

Бунга мазкур ҳудудда ҳаракатга келган Мерапи вулқони сабаб бўлди. Маҳаллий телекомпаниялардан бирининг хабар беришича, вулқондан ажралиб чиқаётган кулли тутунлар сўнгги уч кунда анча кучайган. Бу эса аҳолини саросимага солиб қўйган.

Вулқон ўтган ҳафта бу ерда юз берган кучли зилзила туфайли ҳаракатга келганди. Мутахассислар унинг фаоллиги яна бир неча кун давом этишини айтишмоқда.

Қаҳва қимматлашиши мумкин

Жаҳон бўйича қаҳва нархининг ошиши кутилмоқда, дейилади "Финмаркет" хабарида.



Сабаби, шу кунларда Ҳиндистонда қузатилаётган тинимсиз ёмғир туфайли мазкур маҳсулотни етказиш тўхтаб қолган. Уни етиштирувчи мамлакатлардан бири Вьетнамда эса ҳосил миқдори қамайиб кетган. Экспертларнинг башоратига кўра, 2010 — 2011 йиллар мавсумида ушбу давлатларда олдинги йилларга қараганда 3 фоиз (1,1 миллион тонна) кам қаҳва етиштириларкан.

Бундан ташқари, шунга ўхшаш муаммолар Коста-Рика ва Бразилияда ҳам мавжуд.

Муваффақиятли туташтирилди

Россиянинг "Прогресс-М08" юк кемаси халқаро фазо станциясига муваффақиятли туташтирилди.

Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Само кемасини автоматик тарзда туташтириш имкони бўлмагани боис бошқарувни борт муҳандиси Александр Калери амалга оширган. Кема халқаро фазо станциясига тадқиқотлар учун зарур бўладиган жиҳозлар, ёнилғи-мойлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва фазогирларнинг яқинларидан берган совғаларни олиб чиққан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МОНИТОРИНГ ВА ТАДБИРЛАР

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Пойтахтимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда мониторинг ва башоратлаш ишларининг аҳамияти" мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Юртимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улардан аҳолини муҳофаза қилиш борасида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ўртасида изчил ҳамкорлик олиб борилмоқда. Хусусан, "Ўзгидромет" маркази ҳамда Давлат геология қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ўрганиб чиқилиб, бу ҳудудларда жойлашган хўжаликларга огоҳнома ва кўрсатмалар берилди. Фавқулодда вазиятлар

Огоҳлик

хавфи мавжуд ҳудудлардаги ҳолатни назорат қилиш мақсадида республика бўйича 65 та назорат-кузатув пости ташкил этилиб, улар алоқа воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, республикамизнинг тоғли жойларидаги қор захиралари ва баланд тоғли кўлларнинг ҳолатини баҳолаш, қор кўчкиси ва сел хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш мақсадида жорий йил давомида 4 та аэровизуал кузатув тадбири олиб борилди.

Шунингдек, "Ўзгидромет", Давлат кўчкиларни кузатиш хизмати томонидан олиб борилган мониторинг ва башорат маълумотлари асосида республикамиз ҳудудларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг хавфи тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор этиш мақсадида уяли алоқа компаниялари орқали "SMS" хабарларни мунтазам равишда юбориш йўлга қўйилди. 2009 йилда 58 маротаба "SMS" хабарлари жўнатилган бўлса, жорий йилнинг айни пайтига қадар бу кўрсаткич 86 тага етди.

Тадбирда ана шулар ҳақида маълумот берилиши баробарида, бундай табиий ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли орасида бу борада етарлича тушунча ҳосил қилиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Ф. ИБРОҲИМОВ.

Micros® Официальный партнер в Узбекистане

CAS Corporation (Южная Корея)

МАССА-К Акционерное общество

ВЕСЫ МЫ ВЗВЕСИМ МИР! ЛАБОРАТОРНЫЕ, ДЛЯ РЫНКОВ, СУПЕРМАРКЕТОВ, МЕДИЦИНСКИЕ



ТЕНЗОМЕТРИЧЕСКИЕ ДАТЧИКИ, ВЕСОИЗМЕРИТЕЛЬНЫЕ ТЕРМИНАЛЫ, КОМПЛЕКТУЮЩИЕ

г. Ташкент:
- ул. Кичик Бешагач, 86. Тел.: (998 71) 281 4364, 281 4724, факс 281 4365
- ул. С. Азимова, 72А. Тел.: (998 71) 236 0449, факс 232 0685
- ул. Тойтепа, 5. Тел.: (998 71) 232 0661, 233 5892, 233 6007

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz

Продукция сертифицирована и признана в Узбекистане

Ун маҳсулотлари кўпайди

"Қизилтепаун" корхонасида модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланиб, қўшимча 18 та янги иш ўрни яратилди.

Изланиш

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида корхонада 3,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 161,1 фоизга кўпдир.

Айтиш керакки, тумандаги барча мулкчилик шаклидаги корхоналар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 38,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

- **Ижтимоий фанлар кафедраси:** доцент — 1.
- **Фармакогнозия кафедраси:** профессор — 1, катта ўқитувчи — 1.
- **Тайёр дори турлари технологияси кафедраси:** доцент — 1.
- **Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси:** доцент — 1.
- **Биотехнология кафедраси:** мудир, доцент — 1.
- **Фармакология ва клиник фармацияси кафедраси:** доцент — 2 (физиология — 1, фармакология — 1), ассистент — 1.
- **Органик ва биологик кимё кафедраси:** профессор — 1, доцент — 2 (органик кимё — 1, биологик кимё — 1).
- **Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси:** доцент — 2 (анорганик кимё — 1, физик ва коллоид кимё — 1).
- **Ботаника кафедраси:** профессор — 1.
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи — 1.

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб — 1 ой.

Манзил: Тошкент ш., Ойбек к., 45-уй.
Тел.: (8-371) 256-37-38, 256-38-50.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL

Жанубий Кореянинг «Road International Co., Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва ускуналарини таклиф қилади:

HYUNDAI компаниясида ишлаб чиқарилган:
- экскаваторлар ва улар учун мосламалар;
- катта ҳажмли ва санчқи мосламали юкловчилар;
- самосваллар, ёқилғи ташувчи ва автокранлар;
- трейлерлар ҳамда совутқичли авторефрижераторлар;
- бетономиксерлар ва автобетононасослар

ҲАМДА
муқим ва кўчма шаклдаги:
- асфальт тайёрлаш заводи;
- бетон тайёрлаш заводи;
- тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат).

БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.
Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

Ваколатхона манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germilea» биноси.
Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92.
Жавобгар шахс — Дилмурод Убайдуллаев.
Электрон почта: rico2008@mail.ru
Веб-манзил: www.rico21.com

«Қўнғирот сода заводи»

УНИТАР КОРХОНАСИ

корхонада ишлатилмай ётган (неликвид) товар моддий бойликларни (ускуна ва жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, материаллар) сотишини эълон қилади.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, Элобод қўрғони, «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси. Мулоқот учун шахс — Ўразбаев Ортиқ Қутлимуратович.

Телефонлар: (+99862) 528-63-31, (8-361) 315-10-28.

ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2009 йил 12 майдаги 16-0906-2291-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 22-уйда жойлашган «Наманганиркурилиш» ОАЖга қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Маъмурий бино иншоотлари, 3 қаватли, ертўласи билан, 36 хонадан иборат, бинонинг умумий майдони — 216,9 кв.м., фойдали майдони — 187,56 кв.м., ишчи ҳолатда. Бошланғич баҳоси — 315 927 825 сўм.
2. Ишлаб чиқариш бино иншоотлари, умумий майдони — 5143 кв.м., ишчи ҳолатда. Бошланғич баҳоси — 86 879 423 сўм.
3. Қурилиш цехи ва АЁҚШ бино-иншоотлари, умумий майдони — 3336 кв.м., ишчи ҳолатда. Бошланғич баҳоси — 81 032 397 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2010 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 7 августдаги 16-0706-5509-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Поликовский кўчаси, 17-уйда жойлашган, «Наманганижтимоийқурилиш» ассоциациясига тегишли, қурилиш ости майдони — 1680,57 кв.м., фойдали майдони — 1254,98 кв.м., пойдевори — бетон, деворлари — пишиқ ғишт ва темир-бетондан, ишчи ҳолатда бўлган «Қурилиш таъмирлаш» базаси бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 143 996 030 сўм.
2. Наманган вилояти хўжалик судининг 2009 йил 29 июндаги 16-0902/4412-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри, С. Шерозий кўчаси, 15-уйда жойлашган, «22-сонли автокорхона» ОАЖга қарашли мужассам ҳолдаги бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 222 865 584 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси "Андижоннефть" очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви раиси Ҳошимжон Буваевга отаси, нефтъ ва газ соҳасининг фахрийси

Шокир Шарипович БУВАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Трансйўлқурилиш" компанияси давлат унитар корхонаси жамоаси "Ўзавтойўл" ДАК "Автомагистраль" Шимолий-Ғарбий бўлими бошлиғи Руслан Ерниязовга падари бузруквори

МУПТУЛЛА отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



САНОАТ МОЙИ И-20А 659,4 ▼ -1070,1



МОТОР МОЙИ М14 В2 3254,9 ▲ +475,0



БЕНЗИН АИ-80 1536,5 ▲ +66,3



ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 1259,7 ▲ +8,1

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ОЙЛИГИ

Жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабрь санасига қадар республикамизда "Қандли диабет ойлиги" эълон қилинди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ойлик давомида қандли диабет хасталигининг глобал аҳамиятга молик муаммо эканлиги ҳисобга олиниб, мазкур касаллик келиб чиқишининг олдини олиш масаласига кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш кўзда тутилган.

Юртимизда қандли диабет билан касалланиш ҳолатларини камайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай беморлар давлатимиз томонидан бепул дори-дармон воситалари билан мунтазам таъминланаяпти. Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) ҳамда унинг жойлардаги филиал ва диспансерлари эса замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланиб, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Соҳа мутахассисларининг аксарияти Англия, Япония, АҚШ, Германия, Россия, Испания, Италия давлатларидаги етакчи клиникаларда малака ошириб, хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб боришаяпти. Ҳозирда эндокрин хирургия, диабетология, болалар эндокрин хасталиклари, оёқ тўпиғи диабети, нейроэндокрин касалликларни даволаш ва ташхислашда ижобий натижаларга эришилаётир.

Саломатлик

— Мамлакатимизда диабет билан касалланиш даражаси беш фоизни ташкил қилади, — дейди РИЭИАТМ директори Саид Исмоилов. — Бироқ беморларнинг кўпчилиги вақтида шифокорга мурожаат қилмаганликлари боис диспансер рўйхатига киритилмаганлар ҳам бор. Табиийки, кишининг ўз саломатлигига бу тарзда бепарво муносабатда бўлиши келгусида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, қандли диабет хасталигига чалиниш — тушкунликка тушиш, касалликни сир тутиш учун асос бўла олмайди. Бемор ўз соғлиғига эътиборли бўлса, шифокор тавсияларига амал қилган ҳолда соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этса, бошқалар сингари узоқ умр кўриши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Соғлом кишиларнинг йилига бир маротаба қондаги қанд миқдорини текширтириб туришлари эса келажакдаги соғлом ва хотиржам ҳаёт кафолатидир.

"Қандли диабет ойлиги" давомида маҳаллалар ва ўқув масканларида тажрибали эндокринолог шифокорлар иштирокидаги давра суҳбатлари, мулоқот ва савол-жавоб кечалари, спорт тадбирлари, ёшлар ўртасида турли кўрик-танловлар ва концерт дастурлари ташкиллаштирилади. Халқаро диабетга қарши кураш куни муносабати билан эса РИЭИАТМ ҳамда унинг жойлардаги диспансерларида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтади ва ушбу тадбир муносабати билан барча мурожаат этганлар бепул тиббий текширувдан ўтиб, шифокорлардан маслаҳат олишлари мумкин. Шунингдек, тадбир доирасида Буюк Британия ва Россия мамлакатларидан ташриф буюрадиган олимлар иштирокида мутахассислар учун илмий анжуманлар, ҳамкорликдаги жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши режалаштирилган.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР, ҚИЗҒИН БАҲСЛАР АРАФАСИДА

Жорий йилнинг 12 — 27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўн олтинчи Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Тўрт йилда бир марта ташкил этиладиган мазкур нуфузли мусобақада қитъамиз мамлакатларидан 10 мингдан ортиқ спортчи иштирок этиб, 42 спорт тури бўйича куч синашади. Жумладан, Ўзбекистон вакиллари спортнинг 31 турида ўзларига билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиладилар. Улар юртимизда спортга берилаётган юксак даражадаги эътибор самараларини ўз ғалабалари ва муваффақиятлари орқали яна бир карра намоён этадилар.

Маълумки, 2009 йил 5 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатда спорт клублари ва жамоалари тарбияланувчилари орасидан, айниқса, республикамиз минтақаларидан ёш, иқтидорли спортчиларни танлаб олишни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш ҳамда уларнинг спорт маҳоратини ошириш бўйича тайёргарликни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, спортчиларни тарбиялаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, Гуанчжоуда ўтадиган Осиё ўйинлари ҳам ҳамюртларимиз учун Лондон Олимпиадаси олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.

Осиё ўйинлари узоқ йиллик тарихга эга мусобақадир. Унинг куртаклари 1913 йилда пайдо бўлган. Айнан шу йили Манила шаҳрида Узоқ Шарқ ўйинлари ташкил этилганди. Лекин у қамрови жиҳатидан унчалик кенг эмасди. Бу билан ривожланиш тўхтаб қолгани йўқ. Орадан маълум бир давр ўтиб, тўғрироғи, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Осиёнинг кўплаб давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритди. Шундан сўнг, 1948 йили Ҳиндистон Олимпия қўмитасининг ташаббуси билан Осиё Атлетика Федерацияси шакллантирилди. 1949 йилда унинг номи Осиё ўйинлари федерацияси, дея ўзгартирилди ва орадан икки йил ўтиб, Нью-Дели шаҳрида I Осиё ўйинлари ўтказилди.

Умуман олганда, ҳозиргача бундай мусобақалар 15 марта ташкил этилган. Уларга Нью-Дели (2 марта), Манила, Токио, Жакарта, Бангкок (4 марта), Теҳрон, Сеул, Пекин, Хиросима, Пусан, Доха каби шаҳарлар мезбонлик қилган. Қўшимча сифатида айтиш лозимки, ёшлар ўртасида Осиё ўйинлари (2009 йилдан буён), қишки Осиё ўйинлари (1986 йилдан бошлаб), Ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари (2005 йилдан эътиборан), Пляж спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари (2008 йилдан бошлаб) ва минтақавий (Ўрта Осиё, Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Жануби-шарқий Осиё ва Ғарбий Осиё) мусобақалари ҳам ўтказиб турилади.

Дарвоқе, XVI Осиё ўйинларидаги спорт турлари ҳақида. Уларнинг 28 таси Олимпиада таркибига киритилган. Қолаверса, "сариқ қитъа" давлатларигагина хос бўлган, аммо олимпия спорт тури ҳисобланмайдиган 14 та ўйин ҳам бор. Спорт рақси, аждар шаклидаги қайиқларда пойга, роликли конькида учиш, крикет, го (хитойча шашка) жорий йилги биринчилик дастуридан ўрин олган. Умуман, бу борадаги ривожланиш ҳам қизиқ. Яъни йилдан-йилга мусобақа турлари кенгайиб бормоқда. Ҳозиргача барча Осиё ўйинлари доирасида фақатгина футбол, баскетбол, сузиш, енгил атлетика баҳслари ташкил этилган бўлса, унинг таркибига бадминтон, бейсбол, бодибилдинг, бокс, кураш, боулинг, велоспорт, волейбол, гандбол, гимнастика, гольф, дзюдо, кабадди, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, каратэ, бильярд, от спорти, теннис, стол тенниси, камондан ўқ узиш, учкураш, таэквондо, қиличбозлик, чим устида хоккей кабилар навбатма-навбат қўшилган.

Хитойда ушбу ўйинларга муносиб мезбонлик қилиш учун жиддий тараддуд кўрилмоқда. Бунинг учун 120 млрд. юань маблағ йўналтирилди, деб ёзади "Женьминь жибао" нашри. Мезбон шаҳар мэри Вань Цинляннинг айтишича, сармоя спорт иншоотларини қуриш ва муҳофаза қилиш (6300 млн. юань), мусобақаларни ўтказиш (7300 млн. юань), шаҳар қиёфасини яхшилаш ва атроф-муҳитни тозалаш ишлари (109 млрд. юань) учун ажратилган.

Кўриниб турибдики, маблағнинг асосий қисми бунёдкорлик ва экологик масалаларни ҳал этиш учун сарфланмоқда. Уларнинг орасидан метрополитен, янги йўллар, кўприклар ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантириш, меҳмонхона ва транспорт сервисини яхшилаш, тоза ичимлик суви етказиб бериш жой олган. Жумладан, шаҳарда метронинг икки тармоғи ишга туширилди. Айниқса, "Жанубий вокзал" номини олган станция 50 минг квадрат метрни қамраб олиши, бир вақтнинг ўзида метро ва тезюрар поездларга хизмат қилиши билан ажралиб туради. Биринчилардан бўлиб ишлаган Гуанчжоу — Фошань йўналиши эса мусобақалар давомида бепул хизмат кўрсатади. Бу йўловчилар учун катта қулайликдир. Лўнда қилиб айтганда, янги линияларда 19 та станция очилди. Ҳар бир поезд эса 2592 йўловчини сиғдира олади ва соатига 80 км. тезликда ҳаракатланади.

XVI Осиё ўйинлари

Яна бир жиҳат. Илгари шаҳар экологияси техника тутунлари ва чиқиндиларидан жиддий зарар кўрарди. Шаҳар ҳавоси ва сувини тозалаш бўйича 2009 йилнинг январидан бошлаб 5873 та лойиҳа амалга оширилиши эвазига бу борадаги қатор муаммолар бартараф этилди.

— Энди қуёш кўзни қамаштирмоқда, тунлари эса юлдуз санаяпмиз, — дейишмоқда маҳаллий аҳоли вакиллари бу ижобий ҳолатдан мамнун бўлиб, ҳазиломуз оҳангда.

Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан шаҳарнинг 29 та нуқтасида транспорт воситаларидан ажраладиган чиқиндиларни назорат қилиш пунктлари ташкил этилди. 30 та кимёвий завод биноси бошқа жойга кўчирилди ёки ёпилди. Шаҳар ичидан оқиб ўтадиган 121 дарё ва ирмоқлар катта маблағ эвазига тозаланди. Оқова сувларни олиб кетадиган қувурлар узунлиги 388 км.дан 1000 км.гача узайтирилди. Дренаж ва канализация тизими янгиланди. Сувни тозалайдиган 30 та иншоот бунёд этилди.

Спорт мусобақалари экологик тоза шароитлар остида ўтса, қандай яхши.

Ўйинлар ташкил этиладиган 70 та спорт майдони ҳам шай ҳолатда. Уларнинг 12 таси янги қурилган ва 58 таси реконструкция қилинган ёки кенгайтирилган мажмуалардир. Бундан ташқари, олимпиада қишлоғи, матбуот маркази хизматга мунтазир қилиб қўйилди. Ахборот маркази 24 соат давомида ишлайди ва у ерда барча техник имкониятлар мавжуд. Бу эса аккредитациядан ўтган журналистлар ва фотомухбирларнинг тезкор фаолият юритишлари ҳамда ўйинларни мунтазам кузатиб боришлари учун айни муддаодир.

— Қисқача айтганда, Гуандун провинцияси ўзгаришлар оғушида, — дейди таниқли баскетболчи Яо Мин.

Шубҳасиз, мусобақаларнинг юқори савияда ўтишида кўнгиллиларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлади. Маҳаллий аҳолини мана шундай беминнат вазифага жалб этиш учун реклама ролиги ҳам аллақачон тайёрлаб қўйилган. Унинг қаҳрамонлари тўрт нафар эзгуқалб киши. Биринчиси — Сюй Чаофэн узоқ йиллардан бери қариялар уйида текинга ишлаб келади. Иккинчиси — Чжао Гуанцзюнь икки юздан ортиқ кишининг ҳаётини сақлаб қолган. Учинчиси — Ли Сэнь ақлий жиҳатдан қолоқ одамларнинг яқин суянчиғи. Тўртинчиси — Ван Вэй дунё бўйлаб велосипедда сайр қилиб, Осиё ўйинларини тарғиб этади. Ана шу йўсинда спорт учун хизмат катта саодат, олижаноблик эканлиги илгари сурилмоқда. Қисқа вақт ичида 700 минг киши мусобақаларда маошсиз ишлаш истагини билдирди.

Уларнинг орасида таржимонларнинг ўрни ҳақида алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозир бир гуруҳ тилшунос-кўнгиллилар стюардесса, таксичи ва полиция ходимларига бу борада умумий муомала тили — инглизчани ўргатишмоқда. Шу орқали кўпчилик иштирокчилар ва сайёҳлар тушунадиган сўз ҳамда жумлалар, ҳаракатлар ўзлаштирилади, ўзаро суҳбатлашиш осонлашади.

Мусобақанинг очилиш маросими ҳақида. Бадиий чиқишлар режиссёри Лу Чуаннинг айтишича, мазкур тадбир иштирокчилар хотирасида узоқ вақтгача муҳрланиб қолиши учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Миллий рақслар, ажойиб манзаралар, мушакбозлик, саҳна кўринишлари, хуллас, барча-барчаси катта таассурот қолдиради. Табиийки, кўпчилик машъала ёқилишини ўзгача нигоҳ ва кайфият билан кузатади.

Яқинда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао Пекин шаҳридаги "Осмон ибодатхонаси"да мусобақа кўрини ёқиб берди. 320 нафар машъалабон уни дастлаб Шимолий Хитойнинг уч шаҳридан олиб ўтади. Шундан сўнг навбат Гуандун провинциясига етиб келади. Машъала билан ушбу ҳудуд тўла айланиб чиқилгач, пойтахт ва мезбон шаҳар Гуанчжоуга кириб келади. Бу ердаги барча стадион ва университетлар "зиёрат қилиниб", 12 ноябрь — мусобақалар очилиш маросими кунида машъала стадионда аланга сочади, спортчилар қалбига шиддату шижоат бағишлайди, янги-янги ғалабалар сари чорлайди.

Барчамиз ишонч билдирамизки, XVI Осиё ўйинларининг ғолиблари орасида ўзбекистонлик спортчилар ҳам бўлади.

Саиджон МАХСУМОВ.

Ёш футболчиларимиз жаҳон чемпионатига боради

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U16) Осиё чемпионатининг чорак финалида суриялик тенгдошларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, келаси йили Мексика давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Хушхабар

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" стадионига йиғилган йигирма беш мингдан ортиқ ишқибозлар терма жамоамиз аъзоларини бутун ўйин давомида қўллаб-қувватлаб турдилар. Меҳмонлар дарвозасига тўпларни Аббос Махсталиев ва Темур Ҳакимов киритди.

Ёш футболчиларимиз 4 ноябрь куни бўладиган ярим финал учрашувида Австралия ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушади. Бошқа бир жуфтликда Япония — КХДР футболчилари беллашадиган бўлишди.

Ж. ЗИЁЕВ.

Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ТТ-2010-IV № 1 ва № 4 лотлари бўйича такроран тендер савдолари эълон қилади.

2004 — 2009 йилларда ишга туширилган болалар спорт мажмуалари ва спорт залларини қўшимча жиҳозлаш учун спорт жиҳозлари ҳамда ускуналарини харид қилиш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Тендер савдоларида юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 1 декабрь куни соат 15.00 гача.

Тендер ҳужжатлари пакетининг баҳоси — 400 000 сўм.

Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддати, тендер таклифларини топшириш бўйича закалат суммаси, харид қилинадиган товарларнинг энг юқори баҳоси ҳақидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика марказининг 2010 йил 29 сентябрдаги 9-06/1067-сонли маълумотномаси бўйича тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари бўйича қўшимча маълумотларни ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.
Тел./факс: (8-371) 239-47-69, 239-47-56.

1050R/1265

ALOQABANK

Ҳурматли юртдошлар, ишбилармонлар ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари!

Сизларни 2010 йил 4-5 ноябрь кунлари «Ўзкўргазмасавдо» марказининг кўргазмалар павильонида очиқ акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»нинг 15 йиллиги муносабати билан кооперацион биржа шаклида бўлиб ўтадиган «Алоқабанк — юксакликка интилганлар учун» кўргазмасига таклиф этамиз.

Кўргазмада ОАТ «Алоқабанк» мижозлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар намойиш этилади. Шу ернинг ўзида зарур маҳсулотларни харид қилиш ёки хизматлар кўрсатиш учун шартномалар тузиш имконияти яратилади.

Кўргазма доирасида семинарлар, давра суҳбати, викторина ва акциялар ўтказилиши кўзда тутилган.

Кўргазманинг тантанали очилиши — шу йил 4 ноябрь куни соат 10.00 да.

Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзкўргазмасавдо» марказининг кўргазмалар павильони. *Мўлжал — метронинг «Беруний» бекати.*
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 252-75 40, 252-78-03.

1054R/1287

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

докторантура ва аспирантурага
қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

Тупроқшунослик — аспирантура (2 та ўрин) ва докторантура (битта ўрин).
Агротупроқшунослик ва агрофизика — аспирантура (битта ўрин).
Агрокимё — аспирантура (битта ўрин).

Қабул муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун.

Қабул «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Рахимов тумани, Камарнисо кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-371) 246-09-50, 246-07-23.

1059R/1273

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

вазирлик ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари учун махсус кийимларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифлари 25 иш куни давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47.
Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

1054R/1271







Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг ўсиш-пасайиш белгилари: ▲ - кўтарилган, ▼ - пасайган, ▬ - ўзгармаган, +0,0 қанча сўмга, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎЗРТХБ сайтида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38310 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.00 1 2 3 5